

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ 8 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 8 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Тахририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Воҳидова Комила Абдуллозизовна*  
“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА ..... 11-17
- Сулайманов Саламат Арепбаевич*  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО  
ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) ..... 18-24
- Раунов Холмамат*  
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ ..... 25-32
- Мажидов Анвар Сиражович*  
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА) ..... 33-40
- Begatova Nasiba Xolmurzayevna*  
FERMER HO‘JALIKLARI VA KLASSTER TIZIMI UCHUN O‘RTA MA‘LUMOTLI MUTAXASSISLARNI  
TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI  
MISOLIDA) ..... 41-48
- Алланазаров Мурот Мирзаевич*  
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР  
ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА ..... 49-54
- Ismoilova Feruza Ibragimovna*  
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI  
XIZMATLARI ..... 55-59
- Tursunov Xurshid Nasriddinovich*  
O‘ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI  
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI ..... 60-64

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Yuldosheva Gulnoza Abdinabiyevna*  
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF  
ENTERPRISES ..... 65-70
- Oromidinov Muzaffar Pardabayevich*  
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS ..... 71-75
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҒИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 76-84

<i>To'lov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i> KO'CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISHDA XORIJIY DAVLATLARDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR .....	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i> MINTAQADA XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI .....	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI .....	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i> МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ .....	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i> AGRAR SOHAGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI .....	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ .....	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i> O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI .....	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i> МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Ғаффор Аллақулович</i> ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ .....	138-150
<i>Мамадиёров Олимжон Умарович</i> ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	151-158
<i>Раббимов Жахонгир Эшбоевич</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ .....	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	165-174

*Гадоев Сўҳроб Жумакулович*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ ..... 175-181

*Бекжанов Дилмурод Йўлдашович*  
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН  
МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ..... 182-193

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Boydadayev Abdurroхмон Tolibjon o'g'li*  
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY  
TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) ..... 194-200

*Xayridinov Abbosxon Anvarovich*  
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLISHDA  
MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 201-205

*Quramboyev Alisher Maxsudovich*  
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI ..... 206-211

*Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich*  
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR  
MAQSADI..... 212-217

*Turabova Sevara Kattaqulovna*  
ILMIY VAHS FENOMENINING MANTIQUIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA  
KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV ..... 218-224

*Пардаева Марҳабо Давлатовна*  
АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ  
ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ ..... 225-233

*Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich*  
NIKON MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI ..... 234-240

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*  
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR ..... 241-246

*Юсупова Феруза Зойировна*  
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИНING МЕЗОНИ ..... 247-251

*Teshaboev Muhiddin Marifovich*  
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI ..... 252-257

## **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i> LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI .....	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i> FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA .....	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i> DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE .....	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинакуловна</i> РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ .....	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i> KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI .....	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i> ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ .....	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i> O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI .....	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA Tahlili .....	300-305

## **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Абдурахманова Нодирахон</i> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ .....	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i> ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА .....	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i> ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ .....	321-330

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i> TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "INSON ORGANIZMINING RADIATSIYAGA SEZGIRLIGI" MAVZUSINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN	
---	--



FOYDALANISH .....	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA) .....	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i> YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH .....	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS .....	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджонова</i> ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i> INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	362-368
<i>Raxmatova Mexrinov Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i> ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ .....	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i> KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR .....	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i> EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING .....	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHA SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQUIY TAHLILI .....	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i> MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR .....	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i> XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI .....	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i> METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS .....	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i> SPORT TO'GARAKLARI ORQALI TALABALARNING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI .....	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i> DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD .....	434-441
<i>G'ofurov Azizbek Umarjonovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH .....	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i> BO'LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i> INGLIZ TILINI O'RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR .....	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i> PROFESSINAL TA'LIM YO'NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O'QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH .....	461-469

07.00.00 – Тарих фанлари

**Сулайманов Саламат Арепбаевич,**  
Қорақалпоқ давлат университети, т.ф.д.(DSc), доцент

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ:  
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ)**

**Аннотация.** Бу илмий мақола Қорақалпоғистон худудининг транспорт коммуникацияси тарихидаги аҳамиятини инobatга олган ҳолда 1924-1932 йилларда мухтор вилоят вақтидаги транспортнинг ривожланиши ва ундаги муаммоларни ўрганишга бағишланган. Илмий мақолада халқ хўжалигини ривожлантиришда қуруқлик ва сув йўлининг минтақа учун аҳамияти, маҳаллий олимларнинг асарларига ҳамда архив фондлари материалларига таянган ҳолда ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Амударё, Орол денгизи, мухтор вилоят, Турткул, Чорджуй, пароход, баржа.

**Sulaymanov Salamat Arepbaevich,**  
Karakalpak State University, DSc, docent

**LAND AND WATER TRANSPORT OF THE KARAKALPAK AVTONOM REGION: PROBLEMS  
AND SOLUTIONS (1924-1932)**

**Abstract.** This scientific article is devoted to the study of the development of transport and the problems of the Karakalpak Avtonom region in 1924-1932, taking into account the significance in the history of the transport communication of the region. The significance of land and waterways for the region in the development of the national economy is explored in a scientific article based on the works of domestic scientist and archival materials.

**Keywords:** Amudarya, Aral Sea, Avtonom region, Turtkul, Chardjui, steamer, barge.

**Сулайманов Саламат Арепбаевич,**  
Каракалпакский государственный университет, д.и.н.(DSc), доцент

**СУХОПУТНЫЙ И ВОДНЫЙ ТРАНСПОРТ КАРАКАЛПАКСКОЙ АВТНОМНОЙ  
ОБЛАСТИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ (1924-1932 ГГ)**

**Аннотация.** Данная научная статья посвящена изучению развития транспорт и проблем Каракалпакской автономной области в 1924-1932 гг с учетом значения в истории транспортного сообщения региона. Значение сухопутных и водных путей для региона в развитии народного хозяйства исследуется в научной статье, основанной на трудах отечественных ученых и архивных материалах.

**Ключевые слова:** Амударя, Аралское море, автономная область, Турткул, Чарджуй, пароход, баржа.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N02>

Қорақалпоғистон минтақасини ташқи дунё билан боғлашда Амударё ва Орол денгизи орқали амалга оширилган сув йўлининг хизмати алоҳида эди. Асрлар давомида Амударё ва унинг тармоқлари, қўллар, каналлар ва ариқлар орқали кемалар, қайиқлар ёрдамида ички ва ташқи муҳит билан алоқа ўрнатилган эди. Бутун Хоразм воҳаси учун Амударё флотилиясининг ташкил этилиши катта прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, воҳага темир йўлга чиқиш имконини берди ва шу тариқа бу ҳудудни Марказий Россия билан боғлади. Амударё бўлими шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри хавфсиз йўллар пайдо бўлди.

Сув йўллари билан бирга карвон йўллари ҳам ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Қозон, Оренбург сингари эски карвон савдо йўллари билан ташқари Қўнғиротдан Каспий денгизигача янги карвон йўли очилди. Бу карвон йўллари Оренбург-Тошкент темир йўли ишга тушганидан сўнг ўзининг аввалги мавқеини йўқотди. Ўрта Осиё темир йўли Қорақалпоғистон ҳудудидан тўғридан-тўғри ўтмаса ҳам Россия савдо-саноати капиталининг Амударё бўлими ва Хива хонлиги иқтисодиётига катта таъсир кўрсатди.

Совет ҳукуматининг дастлабки йилларида Ўрта Осиё давлат кемачилиги нафақат Ўзбекистон, балки Туркменистон, Тожикистон ва Қозоғистон Республикалари халқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ерларга ҳали тўлиқ темир йўл етиб келмаганлиги боис Амударё асосий магистраль бўлиб хизмат қилди. Амударё сув йўли орқали халқ хўжалиги учун зарур бўлган юклар, кундалик ҳаёт учун зарур бўлган товарлар ташилди.

XX асрнинг 20 йилларига келиб Ўрта Осиё республикаларининг миллий чегараларини белгилаш бўйича ҳудудий комиссияси томонидан Қорақалпоғистон мухтор вилоятини ташкил этиш зарурлиги ва минтақада йўл алоқаларини ташкил этиш бўйича асосий вазифалар белгилаб берилди. Қорақалпоғистон мухтор вилоятини ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссиясининг фаолияти жуда самарали бўлди. Бу комиссиянинг муваффақиятли фаолиятида Қорақалпоқ халқининг ватанпарвар фарзандлари Аллаяр Досназаров ва Ибрагим Бекимбетовлар юксак ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди[1; 118 б].

Қорақалпоғистон мухтор вилоятида асосий транспорт тури сув транспорти бўлиб, минтақани Амударё ва Орол денгизи бўйидаги бошқа ҳудудлар билан боғлаган. Ҳарбий вайронагарчилик даврида Амударё ва Орол флотилиялари кемаларининг бир қисми бузилди. Қайта тиклаш даврининг бошига келиб, Чоржуйдан Тўрткўлга навигация давридаги юкларнинг катта қисми қайиқларда, қишда эса хусусий мулкдорларнинг юк ва от араваларида ташилган. Бу даврда Амударё бўлимида Бутунроссия “Транспорт” акциядорлик жамиятининг Тўрткўл бўлими фаолият кўрсатган[2; 219 б]. У аста-секин маҳаллий транспорт ишчиларини қайиқчилар (сув ишчилари), ижарага олинган қайиқлар ва бой Уралский қулоқларидан юк ташишнинг бошқа воситаларига бирлаштирди. 1923 йил август ойида Ўрта Осиё давлат кемачилик корхонаси тузилди, унинг таркибига 18 та пароходдан иборат Амударё флотилияси ва 23 та пароходи билан Орол флотилияси кирди, умумий юк кўтариш қуввати 149600 пудни ташкил қилди[3; 123].

Бу вақтда Қорақалпоғистоннинг савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланишида ҳам сув транспорти асосий ўринни эгаллади. Ўлкада тоталитар совет

ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, Амударё ҳарбий флотилияси ва акционерлик жамиятлари флоти негизида 1923 йили йўл алоқалари халқ комиссари Ф.Дзержинский буйруғи билан Ўрта Осиё давлат кемачилиги (СредАзпароходства) ташкил топди. Ўрта Осиё кемачилиги ташкил топган вақтда мазкур муассаса Ўрта Осиё дарё транспорти бошқармаси деб номланиб, унинг биринчи раиси А.Н.Николаев бўлди. Бошқарма таркибига минтақанинг асосий сув ҳавзалари Амударё ва Орол денгизи кирди. Ўрта Осиё кемачилиги таркиби Амударё флотилиясининг флоти ва давлат тасарруфига ўтган хусусий кемалар билан ташкил топди. Унга Амударё ва Орол денгизида сув транспортини ривожлантириш вазифаси юкланди[4; 137 б].

Ўрта Осиё пароходчилиги дастлабки йиллари кўплаб қийинчиликларга учради. Чунки бандаргоҳлар, портлар етишмас эди. Чоржўй ва Орол кема таъмирлаш устахоналари тўлиқ қувватда ўз фаолиятини олиб бормади. Малакали мутахассислар етишмади. Дастлабки йиллари юкларнинг асосий қисми қайиқларда ташилди. Ўрта Осиё пароходчилиги 600 та ёғоч қайиқларни қуриб сувга туширди[5; 51 б].

Амударё ва Орол флотининг юк қувватини ўсишига қарамасдан республиканинг халқ хўжалиги эҳтиёжи учун юкларни тўлиқ ўз вақтида манзилига етказишда қийинчиликларга учради. Натижада бир неча минг тонна саноат товарлари, қурилиш моллари, маданий товарлар йил бўйи Чоржўй ва Аралск бандаргоҳларида тўпланиб қолди.

Қорақалпоғистон халқларининг бошқа минтақалар билан иқтисодий ва маданий алоқалари ва яқинлашувида республикани ягона хомашё бозори билан боғлаган транспорт катта роль ўйнади. Янгидан йўллар қурилди, воҳани ривожлантириш учун алоҳида қарорлар қабул қилинди. Республика иқтисодиёти ва транспортининг юксалиши билан аҳолининг ҳаракатчанлиги ошди. Қорақалпоғистон урушдан олдин ҳам бошқа қардош республикалар билан қуруқлик, сув ва ҳаво орқали мустақам боғланган эди. 1920 йилларда Чимбой тракти минтақани Қозоғистоннинг собиқ маркази Қизил-Ўрда билан боғлаган. Ўзбекистоннинг қўшни Хоразм вилояти ва Туркманистоннинг Ташовуз вилояти билан алоқа сув ва ҳаво орқали амалга оширилди. Амударё бўйлаб йўловчи ва юк кемалари тинимсиз ҳаракатланарди. Ўша пайтда Орол денгизида ўнлаб замонавий денгиз кемалари сузиб юрарди[6; 171].

1920-30 йилларда транспорт, йўл қатнови ишлари ҳам жуда орқада қолган эди. Қуруқлик йўл қатнови учун от арава, эшакдан бошқа транспорт йўқ эди. Мухтор Республика пойтахти Тўрткўл шаҳрига Хўжайли, Қўнғирот, Чимбойдан одамлар от арава билан 3-4 кун давомида йўл юрган. Агар Тошкентга ва бошқа марказий шаҳарларга борадиган одамлар, Тўрткўлдан 400 километр узоқликдаги Чоржўй темир йўл станциясига бориб, поездга миниш учун Амударёдан кема билан 10-15 кун йўл юриш керак эди. Ўша пайтдаги республика раҳбари Кўптилеў Нурмуҳамедов 1931 йил 1 августдаги РСФСР халқ Комиссарлар Кенгашида қилган баёнотида яқин йиллар ичида Қорақалпоғистонда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапириб, асосий муаммолардан бири йўл қатновига тўлиқ эътибор қаратилмаган, РСФСР ҳали маълум даражада ёрдам бера олмаяпти. Қорақалпоғистонни тадқиқ қилиш масаласига ҳали аниқ киришилмаган деб-таъкидлаган[7; 42 б].

Ўрта Осиё кемачилигининг Амударё флотилияси таркибида ўша вақтда 9 та теплоход, 15 та баржа ва 4 та ёрдамчи кемалар мавжуд эди. Ўрта Осиё кемачилиги

флотини тиклаш учун 1928 йили Волга дарёсидан 17 та ўзи юрадиган пароходлар келтирилди. 22 та баржа юк ташиш фаолиятини бошлади. Лекин бу кемалар Амударё фарватерига мослашиши жуда қийин кечди. Ўрта Осиё кемачилиги ўз кучи билан маҳаллий шароитга мос кемалар қуриши лозим бўлди. Қисқа вақт ичида Аралскда кема таъмирлаш заводи, Хўжайли ва Термизда кема таъмирлаш устахоналари қурилди. Чоржўйдаги кема таъмирлаш устахонаси кенгайтирилиб заводга айлантирилди. Амударёда йўловчиларни ташиш мақсадида 30-100 ўринли пассажир теплоходларни қуришга ҳам эътибор қаратилди. “Ласточка” пароходи Амударёда пассажир ташиш ишларида фаол бўлди[5; 52 б].

Қорақалпоғистон мухтор вилоятига келадиган юкларнинг асосий қисми Москва транспорт экспедиция конторасининг Ўрта Осиё бўлими томонидан Амударё орқали Чоржўй агентлиги билан биргаликда амалга оширилди. Агентлик томонидан ташиладиган юклар қўйидаги категорияларга бўлинди:

- Марказий Кенгаш ва кооператив юклар
- Хар хил давлат корхоналари юклари
- Шахсий юклар[8; 14 б]

1924 йил 10 ноябрда Москва транспорт экспедиция конторасининг Ўрта Осиё бўлими 819 сонли хати асосида Қорақалпоғистон мухтор вилояти маркази Тўртқўл шаҳрида юкларни қабул қилиш ва тарқатиш бўлими ташкил қилиниб унинг бош экспедитори этиб Н.П.Майский тайинланди[9; 71 б].

Амударё орқали ташиладиган юкларни янги Урганч ва Тўртқўлга хавфсиз ва талафотсиз етиб бориши учун юкларга қўшимча 1 %, яъни 1-2 тийин миқдорида йўл ҳақи олиш бўйича қарор қабул қилинди.

Москва транспорт экспедиция конторасининг Ўрта Осиё бўлими томонидан Амударё орқали юкларни ташишда қўйидаги тартибга амал қилиш талаб қилинди:

• Барча юкларни қабул қилиш ва жўнатишни ўз вақтида талафотсиз амалга ошириш топширилди. Амударёда навигация мавсумида агарда пароход ва баржаларда юкларни жўнатиш имкони бўлмаса қайиқларда ташиш йўлга қўйилди. Асосан қимматбаҳо юклар масалан тасвирий санат асарлари, ипак маҳсулотлари, олтин ва кумуш буюмлар ва ҳоказо пароходлар ташиш белгилаб қўйилди.

• Юкларни ташишни тажрибали қайиқ эгаларига топшириш ва юкларни ўз вақтида эгаларига етказишни таъминлаш, шунингдек улардан гувоҳнома ёки амалдаги паспортини талаб қилиш белгилаб қўйилди.

• Юкларни етказиб беришда икки нусхада йўл гувоҳномасини ишлаш ва уни нотариус орқали тасдиқлаш ҳам белгиланди.

• Юкларни ташишда қўшимча қуруқликдаги транспортлар учун 2-5 тийин, Амударё сув йўли учун 2-3 тийин қўшимча ҳақи белгиланди[9; 83 б].

Қорақалпоғистон мухтор вилоятига етказиладиган асосий юклар Орол денгизи ва Амударё сув йўли орқали амалга оширилиб қишда навигация бутунлай тўхтаб юкларнинг ўз вақтида етиб келишига тўсқинлик қиларди. Қорақалпоғистон мухтор вилоятининг Москвадаги доимий вакили Бекимбетовнинг Сув йўллари Халқ комиссарлигига 1931 йил 18 августдаги билдиришномасида 1931 йил навигация мавсумида Орол денгизи ва Амударё сув йўлида кемаларнинг узлуксиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида 1932 йилнинг кема қурилишида

Қорақалпоғистон мухтор вилоятининг ички сув йўлларида доимий фойдаланиш учун Орол денгизига муз ёргич кема(ледокол) зарурлиги ҳақида билдиради[10; 41 б].

Бу масала Сув йўллари халқ комиссарлиги ва РСФСР ҳукумати томонидан батафсил ўрганилиб чиқилади. 1930 йил Қорақалпоғистон мухтор вилоятининг умумий юк айланмаси йилига 200 минг пудни ташкил қилиб, минтақага марказдан олиб бориладиган асосий юклар саноат маҳсулотлари, ғалла, нефт юклари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги дастгоҳлари, мухтор вилоятдан олиб кетиладиган юклар пахта, нефть, ҳомашё, беда ва кендир ва бошқалардан иборат бўлди. Юкларнинг асосий қисми баҳор ва куз ойларида ташилиб, қиш мавсумида юк ташиш зарурати камайди. Орол денгизига Оқбеткай бандаргоҳидан Нукусгача бўлган оралиқ 150 км бўлиб бунда куруқлик транспортдан фойдаланса ҳам бўлади[10; 42 б].

Шуларни ҳисобга олиб иқтисодий томондан Орол денгизига музёрғич кема зарурлиги пастлиги инobatга олиниб РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Қарори билан 1931 йил дастури бўйича Волга ва Шимолий флот пароходчилиги ҳисобидан Амударёнинг қўйи оқими навигацияси учун Ўрта Осиё кемачилигига 2 буксирли пароход ажратиш топширилди[10; 7 б].

Қорақалпоғистондаги сув йўли Марказни иккита сув йўли: Амударё бўйлаб, Чоржўй-Тўрткўл ва Орол денгизи орқали Мўйноқ – Тўрткўл ва учинчи йўл қум орқали Қазали-Чимбой билан боғлаган. Сўнгги йўл минтақада товарларни ташишда унчалик аҳамиятга эга эмас бўлиб, у кам аҳамиятга эга бўлган йўл эди ва асосан навигациянинг ёпилиш даврида ундан фойдаланилган. “Минтақага энг яқин темир йўл станциялари Чоржўй 500 верст, Орол денгизидан вилоят марказигача 800 верстни ташкил қилган”[11; 18 б].

Минтақавий алоқа доирасида, ҳам эркин, ҳам асфальтланмаган йўлларда ҳолат яхши бўлмаган. Почта алоқаси ниҳоятда яхши йўлга қўйилган, гарчи телеграф алоқалари сўнгги бир неча ой давомида мавжуд бўлсада, аммо ишончсизлиги сабабли улардан тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас эди.

Ўша вақтдаги йўлларни таснифлаш учун Тўрткўл-Чимбой йўналиши бўйича баъзи маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқдир; “Тўрткўлга почта билан ёзда 15-25 кунда боради. Тўрткўл-Хўжайли-Тўрткўл-15-25 кунда, Тўрткўл-Қипчоқ-Тўрткўл оралиғи 25-30 кун, Тўрткўл-Қўнғирот-Тўрткўл-40-60 кунни ташкил қилган. Қишда бу вақт баъзан икки баравар кўпаяди. Телеграфнинг тез-тез шикастланиши ва очиқ хатлар билан бирга туялар йўқлиги сабабли телеграммалар манзилига ўз вақтида етиб бормайди”[11; 19 б].

Булардан ташқари, савдо-сотик ишлари Қорақалпоғистон ҳудудида трестлар, синдикатлар ва банклар филиалларининг таъминот бўлимлари йўқлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни янада мураккаблаштирган.

Ўрта Осиё иқтисодий Кенгаши махсус вакилининг 1-сонли маълумот сарлавҳаси билан маълум қилишича, Ўрта Осиё Давлат кемачилиги корхонаси ёғоч қайиқларни қуриш бўйича мутлақо чора кўрмаган. Қайиқлар флоти ярми эски бўлиб, уларнинг битта ҳам ишчиси йўқ, зарур қурилиш материаллари етишмаган. Мавжуд бўлган бундай камчиликлар билан баҳорги экин мавсумида юкларни ўз вақтида қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериш учун қулай натижани таъминлаш қийин кечган. Архив

маълумотларига кўра, ўша вақтдаги уларнинг имконияти қуйидаги шаклда тақдим этилган:

Амударё воҳасининг ўрта оқимида Давлат денгиз кемачилиги туман юк ташиш кўмитаси маълумотларига кўра, қайиқ ва кемаларда 112670 тонна юк ташиш мумкин, шунинг учун кўрсаткич 51,08, уларнинг фарқи 48,4. Бу кўрсаткични кўтаришнинг имкони мавжуд, яъни хусусий қайиқ ва кемалардан фойдаланилса, давлат юklarини ҳам ўз вақтида манзилига етказиш мумкин.

Қорақалпоғистон бошқа минтақалар ва ўз ичида алоқа қилиш учун қуйидаги йўл алоқаларига эга:

1. Амударё ва Орол денгизи сув йўли Тошкент темир йўли магистраль йўли Орол денгизи станциясигача Тўрткўл шаҳридан 842 км ни ташкил қилади. Бу йўл бўйлаб навигация йилига 7 ой давом этади.

2. Амударё бўйлаб сув йўли Ўрта Осиё магистраль темир йўли Чоржўй станциясидан Тўрткўл шаҳригача йўлнинг узунлиги 454 км. Навигация мавсумининг муддати 9 ой давом этади[12; 6-7 б].

Таъкидлаш лозимки, Амударёда сув оқимининг ўзгарувчанлиги, дарёнинг тез-тез ўзгариб туриши, оқим ва гирдобларнинг мавжудлиги, навигация мавсумида кема ва қайиқларнинг барқарор сузишига маълум даражада қийинчилик туғдирган. “Чоржўй-Тўрткўл линияси бўйлаб кемаларнинг сузиб ўтиш вақти ёзда юқори оқимга қарши 8-12 кунга етади ва пастга қараб 5-3 кунгача камаяди. Баҳор ва кузда 15-20 кунгача ва 10-15 кунгача давом этган. Орол денгизидан Тўрткўлгача ёзда юкни етказиш юқори оқимга қараб 12-16 кун ва қуйи оқимда 8-10 кунга қисқаради”[12; 31 б].

3. Карвон йўли Тўрткўл-Бухоро оралиғи 480 км ни ташкил қилади. Бу йўл хонлик даврида Хива воҳасини Бухоро билан боғловчи савдо йўли бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги вақтда у бўйлаб товарлар ҳаракати, асосан, товарларни олиб кириш тартибининг ўзгариши сабабли, фақат қишда фавқулодда ҳолатларда қўлланилган.

4. Қозоли-Нукус карвон йўли 500 км (йўл ҳолати ўлчанмайди ва карвон йўлининг кунлар сони билан белгиланади 15-20 кун), йўлнинг ҳолати ва ҳозирги ҳолат унда фақат баҳорда транспорт ҳаракатига сабаб бўлади, йилига тахминан 5 ой давомида йўлдан фойдаланиш мумкин.

5. Карвон йўли Ўрта Осиё магистраль темир йўлининг Кармана станцияси – Томди оралиғида бутун йил давомида фойдаланиш учун жавоб беради. Товарларни етказиб бериш муддати 6 кунни ташкил этади.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистоннинг ташқи бозорлар билан алоқаси нуқтаи назаридан ҳам, ички хусусиятга эга бўлган барча йўллар энг ноқулай ҳолатда ва албатта, элементар эҳтиёжларни ҳам қондира олмаган. Ҳудуд, айниқса, Орол денгизининг ҳам, дарёнинг ҳам тоннажини ҳисобга оладиган бўлсак, ўз ҳажми бўйича ҳатто битта Қорақалпоғистоннинг талабларига жавоб бермаган.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Палваниязов К.А. Истоки рождения Республики Каракалпакстан. Нукус “Каракалпакстан” 1992. С.118.
2. Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР(1917-1927гг), Ташкент изд. АН УзССР, 1960. С.219



3. Очерки истории Каракалпакской АССР том II (1917-1963гг.) Ташкент “ФАН»1964. С.123.
4. ХХМДА, 1884-фонд, 4- рўйхат, 11- иш, 137- варақ.
5. Абрамсев А.Т., Грачев А.А., Морозов Н.Г., Суворов Б.П. Магистраль дружбы (Из истории Среднеазиатского пароходства). Под редакцией Академика АН ТССР А.А.Рослякова и кандидата исторических наук И.Муртазакулова. Ашхабад «Ылым»1983г. С-51
6. Шалекенов У.Х. Казахи низовев Амударии. К истории взаимоотношений народов Каракалпакии в XVIII-XXвв. Издательство “ФАН” Ташкент 1966г. С-171
7. Есбергенов Х. Ардақлы азамат. Нөкис “Қарақалпақстан” 2009. Б.42
8. ҚРМДА, 34 фонд, 1 рўйхат, 1 иш, 14 варақ
9. ҚРМДА, 34 фонд, 1 рўйхат, 4 иш, 71, 83 варақ
10. ҚРМДА, Р-50 фонд, 1 рўйхат, 18 иш, 7, 41, 42 варақ
11. ҚР МДА, Р-50-фонд, 1-рўйхат, 108 иш, 18,19 варақ
12. ҚР МДА, Р-50-фонд, 1-рўйхат, 108- иш, 6,7,31- варақ.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).